

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ТУРАЕВА Нафиса Одилжоновна*Тошкент давлат иқтисодиёт университети**PhD., катта ўқитувчиси*<https://doi.org/10.5281/zenodo.15689628>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада трансформация жараёнида мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий технологияларини қўллашни ривожлантириш йўллари, банклар фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий технологияларини қўллашнинг афзалликлари, ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради.

Хусусан, мақолада инновацияларни жорий этиш асосида банклар фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий технологияларини қўллашнинг самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, инновация, рақамли бизнес, молиявий технологиялар, экотизим, самарадорлик, инновацион хизматлар, янги хизмат турлари, банк бизнеси экотизимлари.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ПРИМЕНЕНИЯ ФИНАНСОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь пойдет о путях развития оцифровки и применения финансовых технологий в деятельности коммерческих банков нашей страны в процессе трансформации, о преимуществах оцифровки и применения финансовых технологий в банковской деятельности, о совершенствовании перспектив развития.

В частности, в статье представлены существующие проблемы цифровизации банковской деятельности и повышения эффективности применения финансовых технологий на основе внедрения инноваций, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их преодолению.

Ключевые слова: коммерческий банкинг, инновации, цифровой бизнес, финансовые технологии, экосистема, эффективность, инновационные услуги, новые виды услуг, экосистемы банковского бизнеса.

WAYS TO DEVELOP THE DIGITALIZATION OF COMMERCIAL BANKS AND THE USE OF FINANCIAL TECHNOLOGIES

ANNOTATION

This article will focus on ways to develop digitization and the use of financial technologies in the activities of commercial banks in our country in the process of transformation, the advantages of digitization and the use of financial technologies in banking, and improving development prospects.

In particular, the article presents the existing problems of digitalization of banking and increasing the effectiveness of financial technologies through the introduction of innovations, as well as the author's recommendatory approaches and suggestions for overcoming them.

Keywords: commercial banking, innovation, digital business, financial technologies, ecosystem, efficiency, innovative services, new types of services, ecosystems of banking business.

Кирини

Жаҳон миқёсида банк тизимида рақамли муносабатларининг кучайиб бориши билан рақамли иқтисодиёт ва молиявий технологияларнинг кенг татбиқ этиш, тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш натижасида молиявий хизматларнинг оммабоплиги ошириш, молия бозорида тенг рақобат шароитларини шакллантириш, бозор тамойиллари бўйича хизмат кўрсатишни модернизациялаш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматлар кенг жорий қилиниш асосида банк тизимининг молиявий барқарорлик даражаси кўтариш, тижорат банкларида халқаро трансформациялаш жараёнини жадаллаштириш, банкларни трансформация қилиш шароитида миқознинг тўлов қобилиятини скоринг усулда баҳолаш асосида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқаришга қаратилган илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун "...банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнлари жадаллаштириш, банкларнинг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тегишли трансформация стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда «самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари»ни белгилаш амалиётини жорий қилиш..." [1], каби вазифалар амалга оширилмоқда.

Бунинг самарасида тижорат банклари томонидан 300 дан ортиқ хизматга, давлат хизмати кўрсатувчи 24 та ташкилотга ва электрон ҳамётларга тўловларни амалга ошириш ва ҳамкор маркетплейслар орқали муддатли тўлов тизимини йўлга қўйиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга миқознинг кредит қобилиятини аниқлашга қаратилган ягона комплекс меъёрий тизимни ишлаб чиқиш, миқознинг тўлов қобиллигини кредит муддати мобайнида барқарор сақлаб қолиш, ҳисоб рақамига пул даромадлари тушуми муддатлари билан боғлиқ тафовутларни ҳисобга олган ҳолда холис баҳолаш ҳамда қарз маблағларининг қайтарилмаслик рискин камайтириш, банкларнинг ресурс имкониятларини кенгайтириш юридик миқозларнинг маҳсулот(иш, хизмат) ларини чакана истеъмолчиларга "банк экотизими" тамойилига кўра имтиёзли кредитлаш ҳамда банк хизматларини кўрсатишни индивидуаллаштириш ва турли интеграциялашган сервисни йўлга қўйиш асосида анъанавий B2B ва B2C тизимини такомиллаштириш ҳамда P2P тизимини кенгайтириш йўналишидаги илмий изланишларнинг долзарб ҳамда амалий аҳамияти юқорилиги ҳисобланади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили

Тижорат банклари фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий технологияларини қўллашнинг самарадорлигини ошириш жараёнларини кенг татбиқ этишга қаратилган тадқиқотлар хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилмоқда.

Жумладан, Хорижлик олимлардан Г. Марковиц (Harry Max Markowitz), К Коэн (K. J. Cohen), Ф. Хаммер (F. S. Hammer), У. Шарп (William Forsyth Sharpe) тадқиқотларида банклар фаолияти портфел назарияси доирасида кўриб чиқилган бўлиб, "...банк рискнинг мумкин бўлган даражасини ҳисобга олган ҳолда активларнинг шундай нисбатини шакллантириши лозимки, бунда ликвидлиликнинг маълум коэффициентига риоя этишни таъминлаш шарти билан максимал даромад олиниши керак" [2].

Бизнинг фикримизча, ушбу олимлар томонидан банкни корхонага тенглаштиришга қаратилган институционал ёндашув (фирма назарияси) банк фаолияти предметини аниқ белгилаб олинишини, "банк операцияси", "банк хизмати" ва "банк маҳсулоти" тушунчаларига аниқ таъриф берилиши заруратини келтириб чиқаради.

Назаримизда бугунги кунгача бу тушунчалар ҳамда мижоз талабларини яқуний ҳолатда Нима қаноатлантиради операциями, хизматми ёки маҳсулотми деган савол юзасидан иқтисодчилар ягона ёндашув ва бир тўхтамга келишмаганлигининг асосий сабаблари шулардан иборатдир.

Аҳамиятга молик бўлган тадқиқотлар ичида хорижлик олимлар Р.Амит ва С.Зотт (Amit R., Zott C)лар томонидан халқаро трансформация жараёнлари "...маҳсулотлари ва хизматларидан масофавий фойдаланиш имкониятини тўлақонли амалга ошириш имконини берувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш" [3] га қаратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

Дж.Паркер, Ван Альстин, С.Чаудариларнинг тадқиқотларида "...мижозга банк хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ банк бизнес-жараёнларининг архитектураси ва инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, виртуал банк хизмати муҳитини яратиш асосида мижозларни ишлашга ундаш, мижознинг хоҳиш-истаклари негизида банк хизматларини юқори даражада кастомизация қилиш имконини берувчи янги банк ташкилотини ташкил қилиш" [4] замонавий бизнес моделларининг асосий жиҳати эканлигига эътибор қаратишган. Бугунги кунда янгидан ташкил қилинган корхоналар, жумладан электрон бизнес янги форматдаги бизнес моделини тезроқ ва самаралироқ яратиш имкониятига эга, чунки улар мавжуд иқтисодий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни эмас, балки бозор муносабатларини қиймат яратиш занжири бўйлаб бир технологик босқичдан иккинчисига ўрнатишни ёки ҳаракатланишни маъқул кўришади. Бизнесни ташкил этишнинг йўналиши шу билан бирга айрим иқтисодий ресурсларга қарамликни келтириб чиқариши, бизнинг фикримизча, анъанавий корхоналар самарадорлиги пасайишининг асосий омилларидан бир десак муболаға бўлмайди.

РФ олими С.В.Орехованинг тадқиқотларида трансформациялашув жараёнлари бизнеснинг янги моделларини қўллашга қаратилган бўлиб, "...инновацион рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулотлари ва хизматларини яратиш, бошқариш, жорий этиш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш" [5] ни назарда тутди.

Назаримизда, банк фаолияти кўламининг кенглиги трансформациялаш жараёнларининг алоҳида йўналишларини аниқлаб олишни тақазо этади. Рақобат кураши кундан-кунга кечайиб бораётган банк фаолияти йўналиши чакана молиявий хизматлар бозори ҳисобланади. Айнан шу йўналиш, фикримизча, трансформацион жараёнларнинг иқтисодий моҳияти тўлақонли намоён бўлаётган соҳа ҳисобланади. Пандемия ва пандемиядан сўнгги даврда тижорат банклари чакана хизматлари бозорида икки асосий тенденция юзага келди.

Биринчи тенденция, фикримизча, чакана истеъмолчиларга хизматларни таклиф этишда финтех ва рақали технологияларнинг кенг кўламда қўлланилиши ва инсон омили таъсирини пасайтириш билан боғлиқ. Одатда бундай хизматлар рақамли банклар томонидан таклиф этилади.

Иккинчи тенденция, инсон ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш ҳамда юқори технологияларнинг кириб келиши натижасида инсон меҳнатига бўлган талаб, келажак проекциясини шакллантириш юзасидан қарорларни қабул қилишда инсон иштироки даражасининг пасайиб бориши натижасида юзага келди. Мазкур тенденция чакана банк хизматлари соҳасида мижозлар билан бевосита мулоқотни тикланишида ўз ифодасини топади.

О.А.Попованинг илмий тадқиқот ишларида “...рақамли платформалар жорий этилиши ва янги бизнес-моделларни жорий этиш орқали иқтисодиёт соҳалари ва бозорларни трансформациялаш имкониятини кенгайтириши, платформалар алоҳида олинган компания доирасидан ташқарига чиқиш ҳисобига янги шаклдаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ҳамда рақобат афзалликларини яратиши, рақамли платформалар инновацион иқтисодиётни шакллантириш драйверига айланганлиги, шунингдек, платформаларнинг ўзи доимий ўзгаришда эканлигини” [6] қайд этиб ўтилган.

Бизнинг назаримизда, банк фаолияти ва ундаги технологик компонентлар самарадорлиги биринчи навбатда мижозларнинг талаби, қизиқишлари ва тўлов қобилиятига боғлиқ. Шу билан бир қаторда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни шакллантириш тизимидаги камчиликлар инновацион экотизимлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши муаллиф эътиборидан четда қолган.

Монетар ёндашувга (О.И.Лаврушин [7], А.А.Алтинбаев [8], С.А.Абдуллаева [9], Б.Б.Избосаров [10], С.С.Тоғаев [11] ва бошқ.) кўра, банк фаолиятини таснифловчи бош жиҳат пул бўлиб, у объектив иқтисодий қонуниятлар талабидан келиб чиққан ҳолда банклар томонидан шакллантирилади. Пул тўлов воситалари кўринишидаги алоҳида товарни, банклар томонидан маълум муддатга сотиладиган ёки тақдим қилинадиган пул маблағлари ва қимматли қоғозларни, пул кўринишидаги турли хилдаги хизматларни, пул эмиссияси, жумладан электрон шаклда ва аниқ банк ҳужжати (жумладан, чек, вексел, сертификат ва х.к.) ўз таркибига олади [12].

О.И.Лаврушин ва юқорида номлари келтирилган иқтисодчилар “банк хизмати”, “банк операцияси” тушунчаларининг моҳиятини молия нуқтаи-назаридан олиб қарайдилар, чунки уларнинг негизида, “пул” ва “пул билан боғлиқлик” ётади. Яъни “банк хизмати”, “банк операцияси” банк муассасаларининг фаолияти натижасида пайдо бўлади, банклар эса молия бозори иштирокчилари, молиявий маблағларнинг шаклланиши ва ҳаракатини таъминлайдилар.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий абстракциялаш, грухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида банкларда экотизимдан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатлар банклари фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий технологияларини қўллашнинг самарадорлигини оширишусулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар

Таъкидлаш жоизки, АҚШ ва ЕИ акциялар қиймати рекорд даражада пасайиб кетган қатор банкларда инқироз кузатилмоқда. Масалан, “Credit Suisse” активлар улуши бир йилда 62%, “Deutsche Bank” – 55%, “Bank Of America” 37,4 % Bank Of New York Mellon” – 39%, а “Royal Bank Of Canada” – 28%га пасайган, Осиё банклари амалиётида эса бу кўрсаткич нисбатан паст бўлиб, “ICIC” 3%, “Itau Unibanco Holding” 9%га ўсган. Жаҳонда истеъмолчиларнинг анъанавий банкларга бўлган ишончининг пасайиши, шунингдек, вақтни беҳуда сарф қилмаслик мақсадида банк маҳсулотлари ва хизматларини олиш истаги натижасида асосий фаолияти банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган молиявий ташкилотлар сотининг ўсиши кузатилмоқда.

Бугунга қилиб, жаҳон ЯИМнинг 80 фоизини ташкил етувчи 29 та мамлакат амалиётида 2021-2023 йилларда нобанк соҳанинг молиявий активлари бутун жаҳон банк тизими активларининг 48,3% га тенг бўлди ва уларнинг ўсиши кузатилмоқда. Таҳлил қилинган 2014-2019 йиллардаги дастлабки 5 йилликда уларнинг ўсиш суръати 5,9% ни ташкил қилган, 2020-2024 йиллар мобайнида эса 6,3% ўсишга эришилган.

Бу умуман, глобал молиявий активларнинг ўсиш суръатидан юқоридир. Шундай қилиб, рақамли омниканалли муҳитда мижозларни банк маҳсулотларига тезкор, содда ва қулай кириш имкониятини таъминлаш орқали жалб қилиш имкониятига эга бўлган технологик компаниялар сонининг тез ўсиши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида парабанк ва яширин банк секторларининг ўсиши, шунингдек истеъмолчиларнинг анъанавий банкларга бўлган ишончининг пасайиши сақланиб қолади”

2025 йилдан бошлаб “Amazon”, “Google”, “Tencent”, “Alibaba” компаниялари энг йирик депозит ташкилотларига ва ихтисослашган финтех компанияларига айланади. улар томонидан бир кун ичида амалга оширилган молиявий операциялар сони жаҳон миқоёсидаги банк ва банк филиалларига ташриф буюрадиган навбатлар сонидан ошиб кетади ва аҳолининг деярли 40% тўлиқ рақамли молиявий маҳсулотлардан фойдаланишга ўтади; амалга оширилган харидларнинг тахминан 25% интернет орқали амалга оширилади.

2030 йилга бориб барча ривожланган мамлакатлар нақд пулсиз тўловларга тўлиқ ўтишади, рақамли технологиялар банк секторида 30% дан ортиқ иш ўринларининг тежалишига олиб келади. Мазкур даврга келиб тижорат банклари биринчи навбатда банк маҳсулотларини яратиш, янгилаш ва тарқатиш тезлигини ошириш, прототиплаш ва фойдаланиш маданиятини ошириш, шунингдек, рақамли омниканалли муҳитда истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларнинг янгидан-янги моделларини жорий этишга қаратилган касомизация стратегияси ва унинг миссиясини шакллантиришга асосий урғу қаратишади (1-жадвал).


1-жадвал

Банк фаолиятида замонавий рақамли технологияларнинг қўлланилиши жараёни¹

Банк технологиясининг ривожланиш босқиялари	Хусусияти	Самарадорлик мезони
Банк 1.0 (1472 г.-1980 йй.)	анъанавий банк фаолиятини акс эттириб, муайян вақт оралиғида мижознинг айнан ташрифига асосланган	Банк фаолиятининг самарали фаолияти
Банк 2.0 (1480 йй.-2007 йй.)	Мижозларга иш вақтидан ташқари банк хизматларини кўрсатиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш орқали замонавий банк маҳсулоти ва хизматлари кўрсатиш	
Банк 3.0 (1480-2007 йй.)	Мобил пул ўтказмалари ва тўловлар, P2P-ўтказмалари ва мобил-банкнинг туфайли банк маҳсулотлари ва хизматларини рақамлаштириш, мультиканалли сотиш имкониятининг пайдо бўлиши	Банк фаолиятида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш
Банк 4.0 (2007 -х.в.)	Технологик инновациялар туфайли реал вақт режимида мавжуд бўлган ва кўрсатиладиган банк хизматлари. Мижозлар билан самарали муносабатларни йўлга қўйиш, рақамли муҳитда омниканалли сотиш тизимни йўлга қўйиш	

¹ Муаллиф ишланмаси

Дунёнинг етакчи молиявий экотизимларининг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш асосида ҳаётийлик даврининг барча босқичларида мижознинг эҳтиёжларини тўла қондириш, B2C ва B2B бозорларига хос бўлган ва нафақат банк, балки нобанк соҳаларни ҳам қамраб олувчи қатор элементларга эга бўлган ҳолда бир вақтнинг ўзида анъанавий банк маҳсулотларини ҳам, банкдан ташқари умумий хизматларни ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлган банк экотизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. (1-расм).



1-расм. Банк экотизимининг шаклланиш жараёни

Тадқиқотларга кўра, мамлакатимизда тижорат банклари активларнинг ўсиши билан нобанк кредит ташкилотлари ва молия ташкилотлари сонини камайтириш тенденцияси мавжуддир. Банк тизими учун долзарб муаммолардан яна бири молиявий-иқтисодий санкциялар босими бўлиб, тижорат банкларининг фаолиятига, хусусан, ташқи молия бозорларига кириш имкониятини бир мунча чеклайди. Натижада, бу миллий банк секторининг молиявий кўрсаткичлари ва ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади”.


Ўзбекистон Республикаси банк соҳасида рақамлаштириш ва халқаро трансформациялашув жараёнлари банк тармоғининг кенгайиши билан кузатиладиган сақлаш ҳаражатларини камайтиришга ва рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар улушини кўпайтириш имконини беради. Бугунги кунда тижорат банклари фаолиятида рақамли трансформациялашув жараёнлари аралаш модел асосида амалга оширилмоқда.

Бунда очиқ (шерикликдаги экотизим хизматларини йўлга қўйиш), ёпиқ (банкнинг ўз экотизимини ташкил қилиш ва хизматлар кўрсатиш) молиявий иловалар (Алфа-Банк, Газпромбанк) ва супер иловаларга асосланган экотизим (Тинкофф ва ВТБ, Яндекс, ВК (Mail.ru), Yandex, ТBC Bank) ларга боғланиш йўналишидаги экотизимлардан фойда-ланилмоқда. Илғор ривожланган банк экотизимларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий банкларнинг ташкилий тузилмаси энг аввало инновацион самарага эришишга асосланган бўлиши лозим.

Бундай шароитларда банк операциялари ва банк фаолиятидаги технологиялар молия бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

- институционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш;
- банк ва банкга яқин маҳсулотларни экотизимга киритиш ёки банкнинг мобил иловаларига мослаштириш;
- пул маблағларини бошқариш ва молиявий воситачиликнинг инновацион усуллари;
- бизнес жараёнлари реинжиниринги, мижозларнинг базасини бошқариш ва содиқлик дастурларидаги инновациялар ва шу кабиларни қамраб олиши керак.

Тижорат банкларининг рақамли трансформациялашув жараёнини қуйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин (2-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг рақамли трансформациялашув жараёни²

Бугунги кунда банк экотизимининг қуйидаги шакллари кенг фойдаланилмоқда:

Ташқи иштирокчилар ҳамкорлигидаги банк экотизими (Third-party Ecosystem Participant).

Тижорат банклари банк маҳсулотларини мижозлар базасини бошқариш тизимлари (КРМ)га тақлиф қилиш орқала ташқи иштирокчи сифатида бошқа иқтисодий экотизимларига интеграциялашув мумкин. Бундай ҳолда экотизим умумий ҳолда банк экотизими бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки бунда банклар тўловлани амалга оширувчи шерик сифатида фаолият олиб боради

Банк маркетплейси (Market Place Orchestrator).

Мижозларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирувчи умумий экотизим (лифестйле банкинг) бўлиб, уй-жой савдоси, таълим, тиббиёт ва ҳ.к. соҳадаги эҳтиёжларини қондирувчи алоҳида экотизимни акс эттиради. Мазкур экотизим орқали банк ва мижоз ўртасида улвий алоқа ўрнатилиб, молиявий операциялар ёки электрон тижорат “инсон омили”сиз амалга оширилади. Мижозларнинг кундалик турмушга доир эҳтиёжларидан келиб чиқиб, банклар номолиявий маҳсулотлар, масалан, маиший техника, саёҳат ёки мобил телефонларни ўз мижозларига сотишни йўлга қўйиши ва шу билан электрон тижоратни ривожлантириши мумкин.

Очиқ банк экотизими (Open Banking Platform).

Тижорат банклари хизматлар пакетига турдош ёки ўзаро тўлдирувчи молиявий хизматлар тақлифларини киритиши, аксинча – ўз хизматларидан ташқари банк хизматларини тақлиф қилишлари мумкин. Бунда, биринчи навбатда, очиқ дастур дастурлаш интерфейсларидан (АПИ) фойдаланиш орқали амалга оширилади.

² Муаллиф ишланмаси

Ҳаётӣй вазиятлар экотизими (Life Moments Orchestrator).

Бунда тижорат банклари ўз миждозларининг муҳим ҳаётӣй воқеа-ҳодисалари, унутилмас саналари, масалан, уй ёки машина сотиб олиши, баъзи ҳолларда ҳаттоки уйланиш, фарзанд туғилиши, яқин кишилар вафот этиши йўналишида ҳам хизматлар таклиф қилувчи ўзига хос экотизимини шакллантиради ва ўз миждозлар базасидан фойдаланган ҳолда кенг турдаги хизматлар таклиф қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк соҳасининг молиявий хизматлар бозоридаги мавқеи банк-етақчи, банк-ҳамкор ёки банк-қузатувчи моделига ўтишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, нафақат мустақил банк экотизимини шакллантириши, балки тижорат, молиявий ва технологик хизматлар кўрсатувчи иқтисодий субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишига ҳам боғлиқ. Тижорат банклари томонидан мустақил экотизимга эга бўлган ҳолда миждозларга бир вақтнинг ўзида банк-етақчи ёки банк-ҳамкор тамойилига кўра омни-, мултиканалли сотиш тизимини қўллаш асосида банк маҳсулоти ва хизматларининг бутун ҳаётӣйлик даври мобайнида кенг турдаги банк ва нобанк хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Таъкидлаш жоизки, очик интерфейсли дастурлар (Open Application Programming Interface, Open API) нинг кенг татбиқ этилиши биринчи навбатда молия соҳасини ривожлантиришни, хусусан, банк фаолиятининг очиклигини таъминлашни янада рағбатлантиради, тармоқлараро экотизим муносабатлар тизимини кенгайтиришга ҳисса қўшади. Бугунги кунда “...очик интерфейсли дастурлардан фойдаланиш банк-молия бозори иштирокчиларини самарали интеграциялашнинг асосий элементи” га айланиб улгурди.

Фикримизча, банк экотизимини ташкил қилиш банк ва миждоз ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириши, банк нуфузини оширишнинг драйверига айланиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларнинг жадал суръатлар билан рақамлашуви миждозларга кенг турдаги банк ва нобанк молиявий хизмат турларини таклиф қилишни кенгайтириш орқали банк соҳасининг ўзига хос молиявий “супермаркет” га айланишига туртки беради. Замонавий рақамли молиявий технологияларнинг кенг жорий этилиши билан тижорат банкларининг номолиявий тузилмалар билан рақобатлашувининг кучайишига олиб келади.

Ўз навбатида, миллий банк тизимининг жаҳон банклари орсиди ва хусусан молия бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишда аввало келажак банклари (“банк 4.0”) га ўтишни жадаллаштириш, асосий урғу рақамли трансформациялашувига ва миждозларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ хизматларни қондиришга ўтишга қаратилмоғи лозим.

Албатта, ҳар бир банк ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига, ўзи фаолият кўрсатадиган сегментга, шунингдек зарур ресурсларнинг мавжудлигига мувофиқ ўз ўрнини танлаши мумкин, бунинг учун Баас ва очик банк тамойилларини ҳисобга олган ҳолда рақамли трансформацияни амалга ошириш, миждозларга йўналтирилган ёндашувга ўтиши; мавжуд бизнес моделларини такомиллаштириши, банк маҳсулоти ва жараёнларига инновацияларини жорий этиши, финтех компаниялари билан ҳамкорлик дастурларини янада кенгайтиришлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган анъанавий чакана хизматларнинг аксарият қисми миждозлар билан бевосита мулоқотга асосланган фронт-офис бўлими томонидан амалга оширилади. Анаънавий банк хизматлари бозорига тажовузкор тарзда кириб келаётган янги иштирокчилар банк фаолиятининг фронт-офис билан боғлиқ “ташқи қисми”ни ўз платформаларига киритиб боришмоқда.

CHOCKI. IQTIBOSLAR. REFERENCES.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 май 2020 йилдаги ПФ-5992-сонли “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармони, 12.05.2020 й.
2. Банковская сфера: механизм информационно-финансовой интермедиации: монография / под научной ред. проф. Ю.В. Рожкова. - Хабаровск : РИЦ ХГАЭП, 2013. - 320 с.
3. Zott, Christoph & Amit, Raphael. (2007). Business Model Design and the Performance of Entrepreneurial Firms. *Organization Science*. 18. 10.1287/orsc.1060.0232.
4. Паркер, Дж., Ван Альстин, М., Чаудари, С. (2017). Революция платформ. Как сетевые рынки меняют экономику – и как заставить их работать на вас. М.: Манн, Иванов и Фербер.
5. Орехова С.В.. "Промышленные предприятия: электронная vs. традиционная бизнес-модель" *Terra Economicus*, vol. 16, no. 4, 2018, pp. 77-94.
6. О.А.Попова. Управление развитием инновационной экосистемы на основе платформенной концепции. Диссер.на соис.уч.степ.канд.экон.наук. Воронеж 2021.
7. Лаврушин О.И., Ветрова Т.Н. Эффективность банковской деятельности: методология, критерии, показатели, процедуры // *Банковское дело*. 2015. № 5. С. 38-42.
8. А.Я.Алтинбаев. Тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) дисс.автореферат: 08.00.07 / Тошкент молия институти, 2018.– 95 б.
9. S.A.Abdullayeva. Tijorat banklari to'lov qobiliyatini mustahkamlash yo'llari. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.07 / Тошкент молия институти, 2023.– 50 б.
10. Z.Z.izbosarov Globallashuv sharoitida tijorat banklarining likvidliligini ta'minlash metodologiyasini takomillashtirish» Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) diss.avtoreferat: 08.00.07 / Toshkent moliya instituti, 2023.– 53 б.
11. Тоғаев С.С. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.07 / Тошкент молия институти, 2021.– 51 б.
12. Денги, кредит, банки: учебник/под ред. И.О. Лаврушина. –8-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009.–560.